

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.06.2018.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ ЖАНИБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИДА
ХАТОЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА УСУЛ ВА ҚУРИЛМАЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation

Курбанов Жанибек Файзуллаевич

Темир йўл транспорти автоматлаштириш тизимида хатоликларни
бартараф этишда усул ва қурималарни такомиллаштириш 3

Курбанов Жанибек Файзуллаевич

Совершенствование методов и устройств устранения сбоев в
системах автоматизации железнодорожного транспорта..... 27

Kurbanov Janibek Fayzullayevich

Improving methods and devices for eliminate failures in railway
automation systems..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.06.2018.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ ЖАНИБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИДА
ХАТОЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА УСУЛ ВА ҚУРИЛМАЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.3.DSc/Т315 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashiit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Халиков Абдулҳак Абдулҳайрович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абуджаюмов Абдурашид
техника фанлари доктори, профессор

Алиев Равшан Маратович
техника фанлари доктори, доцент

Ишназаров Ойбек Хайрилаевич
техника фанлари доктори, к.и.х.

Етакчи ташкилот:

**Тошкент ахборот
технологиялари университети**

Диссертация химояси Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳузуридаги PhD.28.06.2018.Т.73.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Одилхужаев кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертацияси билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Э. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Н.М. Арипов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда темир йўл транспорти юқори тезюар ҳаракат таркиблари хавфсизлигини таъминлашда, назорат қилиш, йўлакларни бошқаришнинг автоматика ва телемеханика воситалари, қурилмалари, элементларини янги технологиялар асосида бошқаришни такомиллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хавфсизликни таъминлаш жараёнида бутун жаҳонда темир йўлларни автоматлаштириш тизими хатоликларини бартараф этиш усуллари ва қурилмаларини такомиллаштиришга, умумий қуввати соатига 100 кВт дан ошадиган доимий, ўзгарувчан ва электромагнит майдони ёрдамида темир йўл плетларининг магнитланиш каби омилларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли автомат локомотив сигнализация (АЛС) тизимлари ва комплекс локомотив хавфсизлик қурилмасининг (КЛХК) ишончли ишлашига таъсир қиладиган омилларни бартараф этиш мақсадида мобил, қўзғалувчан ва стационар магнитсизлантириш қурилмаларини яратиш талаб этилади. Дунёнинг турли, АҚШ, Англия, Франция, Испания, Германия, Япония, Хитой ва шу каби мамлакатларида, поездлар юқори тезликда ҳаракатланадиган темир йўлларнинг автоматика ва телемеханика тизимлари узлуксиз, ишдан чиқмай ишлаши учун магнитсизлантириш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва яратишда уларнинг барқарорлиги, ишончлиги ва ўз-ўзини бошқаришига, шунингдек зарур бошқариш кўрсатмаларини берадиган мураккаб тизимларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикасида транспорт тармоғини, шу жумладан темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, тезюар ҳаракат жорий этилган темир йўл линияларини кўпайтириш ҳамда мавжуд линияларни электрлаштириш, автоматика ва телемеханика тизимидаги носозликларни бартараф этиш йўлида кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...транспорт-коммуникация ва социал-инфратузилмавий лойиҳаларни ҳал қилишга йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат, ...ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, ...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг татбиқ этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу муаммоларнинг ечимини топишда, хусусан, темир йўл автоматлаштириш тизимидаги носозликларни бартараф этиш усуллари ва қурилмаларини такомиллаштириш, магнитсизлантирувчи қурилмаларнинг янги математик моделларини ишлаб чиқиш, темир йўл транспортида темир йўл плетларини магнитсизлантириш, янги стационар қурилмалари схемаларини, магнитланишни бошқариш ва кузатиш учун микроконтроллерларга асосланган вагон-платформада жойлашган, импульсли магнитсизлантирувчи мобил қурилмаларни, алгоритмлар ва дастурий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

таъминотларни магнитсизлантирувчи бошқарув тизими учун ишлаб чиқиш, рельс занжирларининг халақитбардошлилигини оширувчи, автоматлаштириш тизимларида хатоликларни бартараф этишда, услуб ва қурилмаларнинг ижро этувчи элементларини такомиллаштириш зарур вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Темир йўл транспорти тўғрисида» ги Қонуни (1999), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Стационар ва ҳаракатланувчи импульсли магнитсизлантириш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва яратишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва таълим муассасалари, жумладан General Electric Transportation (США), Institute of Communications Technology Hannover, Siemens, AEG, SEL фирмалари ва Брауншвейг техника университети, Москва транспорт муҳандислари институти, Самара темир йўл муҳандислиги университети, Санкт-Петербург темир йўл муҳандислиги университети (Россия), Тошкент темир йўл муҳандислари институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Темир йўлларни автоматлаштириш тизимидаги хатоликларни бартараф этиш усуллари ва қурилмаларини такомиллаштириш бўйича дунё миқёсидаги тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олиниб, шулар жумласидан: Россия темир йўлидаги АЛС хатоликлари муаммосини ҳал қилиш учун магнитсизлантирувчи қурилма; темир йўл пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси жараёнида рельс плетларини магнитсизлантириш стационар қурилмаси (РСП - Россия); саноатнинг турли тармоқларида деталларни магнитсизлантириш учун мўлжалланган мобил қурилмалар (Голландия); мослашувчан конвейерли занжирлардаги айрим деталларни электрон-импульсли магнитсизлантирувчи қурилма (Италия) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Дунёда рельс плетларини магнитсизлантириш қурилмалари устида қуйидаги йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: рельс

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотларни шарҳи: <http://www.bussi-demagnetizers.com/en/>; <https://www.goudsmitmagnets.com/en/news/378/undesired-magnetism-in-production-process-is-costly>; http://www.diatehnn.ru/produkcija/ustanovka_dlya_razmagnichivaniya_obemnozagalennyh_relsov_urr1/

пайвандлаш ишлаб чиқаришида рельс плетларини магнитсизлантириш қурилмасини ишлаб чиқиш; рельс плет туташтиргичлари ва стрелка ўтказгичларининг магнитланишини кузатиш учун датчикларни ишлаб чиқиш; қўл мобил ва ҳаракатланувчан қурилмаларни ишлаб чиқариш; рельс плетларини магнитсизлантириш жараёнларини 3D моделлаштиришни ишлаб чиқиш; замонавий технологиялар асосида магнитсизлантириш қурилмалари учун импульсларнинг частота ўзгартиргичи ва кенглигини бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йиллардаги темир йўл транспортида ҳаракатланиш хавфсизлигида АЛС ва КЛХҚларининг тўхтовсиз ишлашини ошириш мақсадида магнитсизлантирувчи қурилмаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий изланишлар, уларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга доир илмий-техник адабиётларнинг таҳлили бу соҳада жиддий назарий ва амалий натижаларга эришилганлигини кўрсатади. Ушбу соҳада рельс плетларини магнитсизлантириш муаммоларининг ёритишга доир кўплаб илмий техник адабиётлар нашр этилган. МДХ ва хорижий давлатлар темир йўл участкаларида магнитсизлантирувчи қурилмалар мавжуд ва ишлаб чиқилмоқда.

Темир йўллар учун рельс плетларини магнитсизлантирувчи қурилмаларни яратишнинг назарий ва амалий масалалари билан F.Bailey, G.Teeg, E.Andres, T. Brendt, U. Mashek, D. Mongradi, Y. Paxl, D. Straetton, Ю.А. Кравцов, А.М. Брылеев, В.В. Сапожников, Вл.В. Сапожников, В.М. Лисенков, Н.Ф. Котлеренко, В.С. Дмитриев, М.Н. Василенко, А.Б. Никитин, А.М. Костроминов, Г.Д. Казиев, В.А. Кобзев, В.И. Сороко каби хорижий олимлар шуғулланган бўлсалар, шу билан бирга маҳаллий олимлардан Н.Н. Ибрагимов, К.Т. Худойберганов, А.А. Халиков, Н.М. Арипов, С.Ф. Амиров, М.И. Ибадуллаев, И.Х. Сиддиқов, Н.Б. Пирматов, А.М. Плахтиев, М.Х. Расулов, И.К. Колесников, В.Г. Строков, М.М. Алиева, Ш.Р. Хорунов, А.Р. Азизов, Р.М. Алиев ва бошқалар ҳам бу йўналиш ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Шу билан бирга ҳамон Ўзбекистон темир йўлларида кенг қўлланиши мумкин бўлган оддий ва универсал магнитсизлантирувчи қурилма ечими ҳозиргача қадар топилганича йўқ. Бугунга келиб рельс плетларини стационар ҳамда ҳаракатчан (қўзғалувчан) мобил импульс қурилмалар асосидаги магнитсизлантириш учун мўлжалланган, шунингдек автоматика ва телемеханика тизимларидаги хатоликларни таҳлил қилиш ва синтезлаш учун асосий аналитик ифодаларни аниқлаш услублари ишлаб чиқилиб, қўлланилмоқда. Бироқ, номи келтирилган муаллифларнинг ишларида, ҳаракатчан (қўзғалувчан), стационар магнитсизлантириш қурилмаларини қуришнинг янги услуб ва усулларини қўллашнинг барча имкониятлари тўлиқ ишлатилмай, хусусан, темир йўл транспортида АЛС ва КЛХҚ ишдан чиқишлари ва хатоликларини зудлик билан бартараф этишнинг у ёки бу қурилмасини қўллашга доир қатъий назария мавжуд эмас, тезювар ҳаракатланадиган вагон-платформаларда микропроцессор қурилмалардан

фойдаланиб рельс плетларини магнитсизлантириш услублари, усуллари ва қурилмаларини такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №59 «Вагон-лабораторияни модернизациялаш мақсадида бошқариш тизимининг ўлчаш мажмуаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» (2014-2015), №97 «Рельс пайвандлаш ишлаб чиқаришида рельсларни магнитсизлантириш қурилмасини ишлаб чиқиш» (2017-2018), №97 «Рельсларни магнитсизлантириш қурилмасини ишлаб чиқиш ва уни вагон-платформага ўрнатиш» (2018-2019) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади магнитсизлантирувчи қурилмалар асосида темир йўл транспортини автоматлаштириш тизимларидаги хатоликларни бартараф этишнинг услуб ва усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

рельс пайвандлаш ишлаб чиқаришида магнитланишни бартараф этиш учун рельс плетларини магнитсизлантириш назарияси, услублари ва усуллари ривожлантириш;

рельс пайвандлаш ишлаб чиқаришда рельс плетларида магнитланишни бартараф этиш учун бошқарув тизими ва дастурий таъминоти бўлган стационар магнитсизлантириш қурилмасини ишлаб чиқиш;

рельс плетларини магнитсизлантириш қурилмасининг қўлланишини, ҳамда АЛС ва КЛХҚни ташқи халақитлар манбаи таъсиридан ҳимоялаш услубларини асослаш;

АЛС ва КЛХҚни ташқи халақитлар манбаи таъсиридан ҳимоялаш учун ҳаракатчан мобил вагон-платформа тизими асосидаги рельс плетларини магнитсизлантириш қурилмасини ишлаб чиқиш;

станция ва перегонларда рельс туташмалари ва стрелка ўтказгичларида магнитланишни бартараф этишга мўлжалланган ҳаракатчан мобил магнитсизлантириш қурилмасини ишлаб чиқиш;

вагон-платформадаги ҳаракатчан мобил магнитсизлантириш электромагнитни рельс билан магнитсизлантирувчи қурилма оралиғини автомат кўтариб-тушириш орқали мувофиқлаштирадиган мослама конструкциясини ишлаб чиқиш;

рельс плетларини магнитсизлантирувчи стационар ва ҳаракатланувчи мобил қурилмаси учун техник тавсифлар, ишлатиш йўриқномасини ва меъёрий ҳужжатларни «Ўзстандарт» агентлигидан рўйхатдан ўтказишни ташкил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида темир йўл станция рельс занжирлари автоматика, телемеханика ва рельс пайвандлаш ишлаб чиқариши олинган.

Тадқиқотнинг предмети ягона электромагнит майдони назарияси асосида рельс плетларини магнитсизлантириш услублари ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарқоқ

параметрли электромагнит майдон назарияси ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темир йўл поездлари ҳаракатида код бузилишларини бартараф этиш учун мўлжалланган, электромагнит майдон назариясига асосланиб ишлайдиган импульсли магнитсизлантириш қурилмаси ишлаб чиқилган;

темир йўл рельс занжири кодларининг носозликлари таҳлили асосида АЛС ва КЛХҚ ишининг, уларнинг доимий магнитлар, ўзгарувчан ва импульсли электромагнит майдонлар томонидан магнитланиш манбалари аниқланган;

рельс плетларини магнитсизлантиришнинг янги услуб ва усуллари, АЛС ва КЛХҚ ишининг хатоликларини бартараф этиш учун математика асосида доимий, ўзгарувчан ва импульслар таъсирида ўткинчи жараёнлар ишлаб чиқилган;

рельс плетларидаги қолдиқ магнитланганлик рухсат этилган даражаси тадқиқ этилган ва темир йўл транспортининг автоматика ва телемеханика тизимлари узлуксиз ишлаши учун импульсли магнитсизлантириш қурилмаларини лойиҳалашда асосий параметрларни танлаш бўйича тавсиялар берилган;

поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун рельс плетларини магнитсизлантириш сифатини кузатиш ва диагностика қилиш мақсадида ELCUT дастури асосида электромагнит жараёнлар модели ишлаб чиқилган;

частота ва импульс кенглигини танлаш учун, дастурий таъминотли модул схемаси асосида бошқарув тизими, шунингдек рельс плетларини автоматлаштирилган жараёни ишлаб чиқилган;

«Ўзстандарт» агентлигининг 2018 йил 26 декабрдаги №000207, «TS 01116578-001:2018» рақамли рельс плетларини магнитсизлантириш қурилмаси учун ташкилот стандарти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

магнитсизлантиришнинг ишлаб чиқилган назарий услублари ва усуллари темир йўл транспорти рельс плетлари, туташмалари ва стрелка ўтказгичларидаги магнитланиш даражасини аниқлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган стационар магнитсизлантириш қурилмаси рельс пайвандлаш ишлаб чиқаришида рельс плетларини пайвандлашда магнитланишни бартараф этиш имконини яратган;

ишлаб чиқилган бошқарув тизими қурилмаси ток амплитудалари, импульслар давомийлиги ва частотасини ростлаш имконини яратиб, бу эса рельс плетларини магнитсизлантириш сифатини яхшилаган;

рельс плетларининг магнитланишини назорат ва таҳқиқ қилиш имкониятини яратиш учун, ишлаб чиқилган дастурий таъминот асосида магнитсизлантирувчи қурилманинг элементларини ишчи параметрлари аниқланган;

ишлаб чиқилган вагон-платформали мобил ҳаракатчан импульсли магнитсизлантирувчи қурилма локомотивнинг катта тезликдаги ҳаракатида рельс плетлари, туташма ва стрелка ўтказгичларини сифатли магнитсизлантириш имконини яратди.

частота ва импульс давомличилигининг турли қийматларида магнитсизлантириш сифатини таъминлаш учун локомотивнинг турли, яъни соатига 5 км дан 30 км гача ҳаракатланиш тезликларида рельс туташмалари, плетлари ва стрелка ўтказгичлари учун қурилманинг тавсифлари ишчи режими аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги электромагнит майдон назарияси асосида илмий ишланмалар ва тажриба натижаларининг ўзаро мослиги ва мувофиқлигига асосланиб, темир йўл транспорти автоматика ва телемеханика тизимларида рельс плетлари кодларининг магнитланиш туфайли юзага келган хатоликларини бартараф этиш учун назарий асосланган концепциялар қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, частотавий асинхрон двигателли ҳаракат таркибидаги тортқи токининг узлуксиз ҳалақитлари, тескари тортқили токни асимметрияси ҳамда ёндош блок-участкалар тоқларининг таъсирида, рельс занжирининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳимоялаш назария, услуб ва усулларини ривожлантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти импульсли магнитсизлантирувчи янги қурилмаларни яратиш, бунда стационар ва ҳаракатчан мобил вагон-плаформа, яратилган қурилмани станция ва перегонлар рельс занжирларида кенг қўллаш, келтирилган математик ҳисоб-китоблар АЛС ва КЛХҚ тизимларини самарадорлигини ошириш микропроцессорли технологияларни қўллаш билан поездлар ҳаракат хавфсизлигини яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши темир йўл транспорти автоматлаштириш тизимида хатоликларни бартараф этишда усул ва қурилмаларни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

рельс пайвандлашда плетларни линия магнитсизлантириш қурилмаси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги «РСП-14» ишлаб чиқариш Унитар корхонасида ишлатиш ва модернизациялаш амалиётига жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 14 октябрдаги №01/5763-19 – сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида рельс плетларини магнитсизлантириш қурилмаси пайванд чокларини шикастланишдан ҳимоя қилиш учун, асосий қисм сифатида пайвандлашдан олдин ва ундан кейин рельс плетларини магнитсизлантириш имконини берди;

рельс плетлари, туташмалар ва стрелка ўтказгичлардаги магнитланиш учун, шунингдек АЛС ва КЛХҚларда код бузилишининг олдини олиш учун ҳаракатчан вагон-платформадаги мобил импульсли магнитсизлантириш қурилмаси жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 14 октябрдаги №01/5763-19-сонли маълумотномаси). Илмий изланишлар натижасида станцияларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш имконияти, рельс плетларига, туташмалар, стрелка ўтказгичларга таъсир этувчи кучли тортиш тоқлари ва уларнинг юқори тебранишларидан, ҳалақитлардан ҳимояланишни яхшилашга эришилган;

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан «Ts 01116578-001:2018» рақамли рельс плетларни магнитсизланитирувчи қурилмаси учун «Ташкилотнинг стандарти» рўйхатга олинган (№000207, 26 декабр 2018 й.). Натижада «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ рельс пайвандлаш ишлаб чиқаришида ва йўл хўжаликларидида стационар ва ҳаракатчан мобил вагон-платформасини қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 9 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий мақолалар, шу жумладан 1 та монография, Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 12 та мақола, жумладан чет эл журналларида 8 та мақола, бундан ташқари халқаро ва Республика конференцияларининг тўпламларида 10 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 189 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммони ҳал этишнинг муҳимлиги ва диссертацияда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси илм ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Магнитланиш ва магнитсизлантириш қурилмалари учун электромагнит майдон назариясининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида электромагнит майдон тавсифларини аниқлаш усуллари ва мавжуд ўзаро таъсирли электромагнит услублар таҳлили келтирилган. Рельс занжирлари маҳсулотларини магнитлаш ва магнитсизлантириш ҳодисалари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда ўзаро таъсирларнинг барча турларини бирлаштириш зарурати туғилди. Рельс занжирларига электромагнит майдони билан боғлиқ ўзаро гравитацион, ҳамда ички молекулалараро ўзаро кучлар таъсир қилади. Рельс занжирларига наноматериаллар ва нанотехнологиялар энг яхши кўрсаткичга эга бўлган рельс плетлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади, улар корреляция радиусига тўғри келадиган кичик ўлчамдаги соҳаларда ишлайди, шунингдек ягона электромагнит майдони электрон, фотон, когерент узунлиги ва ўтказгичнинг магнит доменлари ўлчамларини, содир бўлаётган ҳодисаларни тўлиқроқ баҳолаш имконинини яратади. Майдон назарияси тўртта ўзаро таъсирга асосланиб, мавжуд қутбланиш тўлқинларини аниқлаш имконини беради. Ўзаро таъсирли электромагнит куч ва энергия тавсифлари бир хил

тенгламалар билан таърифланади. Ушбу ўзаро таъсирларнинг параметрлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзаро таъсирлар параметрлари

Параметрлар	Ўзаро таъсирлар параметрлари			
	Гравитацияли	Кучсиз	Электромагнитли	Ядровий
Интенсив ўзаро таъсирлар G^2	10^{-39}	10^{-14}	10^{-2}	1
Радиус R_m	∞	10^{-15}	∞	10^{-18}

Ўзаро таъсир электромагнитларда асосий электромагнетизм қонунлари қўлланади: тўла ток қонуни, Максвелл тенгламаси, Ампер қонуни, Био-Савар-Лаплас қонуни ва ҳамма ўзаро таъсирларни ҳисобга олган ҳолда умумлашган электромагнит майдон тенгламалари билан қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{aligned}
 a) \operatorname{rot} \bar{E}_{\text{пол}} &= -\sqrt{\varepsilon_0 \mu_0} \frac{\partial^2 \bar{A}}{\partial t^2}; & b) \operatorname{div} \left(\sqrt{\varepsilon_0 \mu_0} \bar{E}_{\text{пол}} \right) &= 0; \\
 c) \operatorname{rot} \bar{A} &= \sqrt{\varepsilon_0 \mu_0} \bar{E}_{\text{пол}}; & d) \operatorname{div} \left(\sqrt{\varepsilon_0 \mu_0} \bar{A} \right) &= 0.
 \end{aligned}
 \tag{1}$$

Электромангнит кучларнинг таъсирлари масаласини кўриб чиқишда, $\Psi = \Psi(i)$ ёки $i = i(\Psi)$ чиқиш тавсифлари ва электромагнит ўзакнинг магнитланиш эгри чизиғи ҳисобга олинади. Магнит оқими – Φ , магнит моменти – M , магнит индукцияси – B , магнит майдон кучланганлиги – H каби барча магнит тавсифлари ва параметрлари ўлчаниши шарт. Ўлчашлар материаллардаги носозликларни топиш, физик-кимёвий хоссаларни, ферромагнит элементларнинг статик ва динамик тавсифларини аниқлаш учун ўтказилади. Ушбу параметрлар ва тавсифларни ўлчаш учун Гельмгольд халқаси ва соленоид (ғалтак) каби махсус конструкциядан фойдаланилади. Магнит катталикларини ўлчаш учун мўлжалланган асбоблар ўзгартиргич ва ўлчаш қурилмасидан ташкил топган. Улар физика қонунларига, кучларнинг ўзаро таъсирига, гальваномагнит ва атом ички ҳодисаларига асосланган. Динамик тавсифларни ўлчаш учун амперметр, вольтметр ва шунингдек феррометр қўлланган.

Магнит майдонига жойлаштирилган жисм магнитланади. Бу \bar{M} натижавий магнит моменти билан боғлиқ. У алоҳида заррачалар билан қўшилган элементар (оддий) магнит моментлардан m_0 ташкил топади. Магнит майдони H кучланганлиги ортиши билан магнитланиш оқим кучайиб боради. Магнитланишнинг уч ифодаси учун:


$$\bar{J} = \kappa \bar{H}; \quad \bar{\sigma} = \chi \bar{H}; \quad \bar{\sigma}_A = \chi_A \bar{H},
 \tag{2}$$

бу ерда, κ -ҳажмий сезувчанлик, χ -солиштирма сезувчанлик, χ_A -моляр сезувчанлик.


Бу коэффициентлар бари ўзаро қуйидаги нисбат ёрдамида боғланган:

$$\chi = \frac{\kappa}{\rho}; \chi_A = \frac{\kappa}{\rho} \chi. \quad (3)$$

Икки ҳолат мавжуд: магнитланиши магнит майдон кучланганлигига параллел, иккинчиси аксил параллел. Шу билан бирга жисмларнинг икки синфи мавжуд: парамагнетиклар ва диамагнетиклар. Парамагнетиклар H нинг катта қиймати майдонига тортилса, диамагнетиклар эса аксинча – майдондан чиқариб юборилади. Коэффициентлар κ , χ , χ_A доимий бўлиб, мусбат ва манфий қийматларга эга. Магнитланганликнинг кучланишга боғлиқлиги 1-расмда кўрсатилган. Мутлақ қийматига кўра диамагнетиклар магнит сезувчанлиги параметрларга нисбатан анча паст. Ҳарорат пасайганида магнит майдони ўзгариши рўй беради. Магнит сезувчанлик ва магнит кучланиши ўртасида боғлиқлик нозикли бўлиб, қайта магнитланишда у гистерезис ҳалқасига айланади. Модданинг бу ҳолати ферромагнитли деб аталади. Диамагнетизм ҳароратга боғлиқ эмас, парамагнетизм эса ҳароратга кўп даражада боғлиқ. Парамагнетикларнинг магнит сезувчанлиги мутлақ ҳароратга тескари пропорционал. 2-расмда ўз-ўзидан магнитланишнинг ҳароратга боғлиқ равишда ўзгариши тасвирланган.




1-расм. Магнитланишнинг магнит майдони кучланишига боғлиқлиги




2-расм. Ферромагнетикнинг ҳароратга боғлиқлиги

Ферромагнетикларда магнит диполлари параллел йўналтирилган, аммо улар аксилпараллел йўналишга эга бўлган жисмлар ҳам мавжуд. Бу ҳолда магнит моментлари компенсацияланиб, жисмнинг магнитланганлиги камаяди. Бундай моддалар антиферромагнетиклар дейилади. Бу каби жисмлар магнит сезувчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги 3-расмда келтирилган. Металлнинг магнит сезувчанлиги ҳароратга боғлиқ эмас ва у $\chi \approx 10^{-6}$ бўлганида минимал қийматга эга. Баъзи жисмлар магнит доменлари параллел ва аксилпараллел жойлашиши билан ғайритабiiй хоссаларга эга бўладилар. 4-расмда баъзи металлларнинг қуйи ҳароратларда магнит майдони кучланганлиги сабабли ўзгариши тасвирланган.



3-расм. Антиферромагнетиклар магнит сезувчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги




4-расм. Сезувчанликнинг майдон кучланганлигига боғлиқлиги


Техник адабий манбаларни ўрганиш натижалари, темир йўл транспорти автоматика тизимларидаги кодлар хатоликларини бартараф этишнинг тезкор-истиқболли услублари таҳлили натижаларидан келиб чиқиб, шунингдек қўйилган мақсадга мувофиқ равишда тадқиқотнинг асосий вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг **“Рельс плет маҳсулотларини магнитлаш тизимларида электромагнит жараёнларини тадқиқ қилиш”** номли иккинчи бобида техник магнитлаш магнит диполларининг силжиши ва айланиши билан боғлиқ бўлган техник магнитланганликнинг юзага келиш жараёни тадқиқ этилган. Агар диполлар магнит майдони кучланганлик векторига параллел ўрнатилса, у ҳолда магнитланиш ортади, диполлар ҳажми кичраяди. Агар доменлар кучланганлик майдонига қарама-қарши жойлаштирилса, бу ҳолда улар катта босим таъсири ҳисобига магнитланишнинг бошланишидаёқ ўзгарадилар (айланадилар). Магнитсизланиш ҳолатида магнитланиш барча йўналишлар бўйлаб бир текис (0 нуқта) тақсимланган. Агар ташқи майдон мусбат йўлланган бўлса, у ҳолда манфий йўналган магнит диполлари мусбат ярим айланага ўгирила бошлайдилар (*B* нуқта). Агар магнитланиш магнит майдони кучланганлигига қарама-қарши йўналса, бу ҳолда у йўналишини ўзгартиради. 5-расмда гистерезис ҳалқасининг унга хос нуқталарида магнитланиш тақсимланганлиги тасвирланган. Кучли магнит майдонида эса тўйиниш юзага келиб, магнитланишнинг тақсимланиши *C* нуқтасига мувофиқ келади. Магнит майдон пасайганида магнитсизлантириш содир бўлади. *D* нуқтадаги тақсимланиш қолдиқ магнитланишга, *E* нуқтадаги тақсимланиш эса коэрцитив (мажбурловчи) кучга мувофиқ келади.


Атомларнинг электромагнит майдони уларда юз бераётган ходисалар билан ҳосил қилинган моментларни шакллантиради. Уларнинг бари, жамланиб, атомларнинг электромагнит майдонини ҳосил қилади. Барча материаллар магнит хоссаларига кўра диамагнетиклар, парамагнетиклар ва ферромагнетикларга бўлинади. Атомдаги магнит моментларининг тақсимланиши 6-расмда келтирилган.



5-расм. Гистерезис халқаси нукталарида магнитланишнинг тақсимланиши



6-расм. Атомдаги магнит моментларининг тақсимланиши: а – P_{mv} электронларнинг ядро атрофидаги айланиш momenti; б – P_{mk} электронлар орбиталари тебранишлари туфайли келиб чиққан момент; в – электронларнинг айлана бўйлаб ҳаракатланиши туфайли юзага келган P_{m0} момент



7-расм. Ферромагнетиклар магнитланиш эгри чизиғи

Рельс плетларини назорат қилиш учун $B = 25 \div 60$ мТл индукцияли майдон қўлланиб, магнитлашдаги чулғамлар индукцияси 100-200 мТл гача, электромагнитларники 1 Тл дан каттароқ. Ферромагнит ўзакли чулғамлардаги магнит майдон индукцияси 2,5 Тл гача ташкил этиб, магнитланиш эса ташқи магнит майдон кучланганлигидан бир неча баробар катта (ортиқ).

Катта ташқи электромагнит майдонларида магнитланишни магнит майдони кучланганлиги билан қиёслаш мумкин. 7-расмда ферромагнетиклар магнитланиш эгри чизиғи ва $B(H)$ гистерезис халқалари тасвирланган. Детал ва қурилмалар, доимий магнит билан, доимий, ўзгарувчан ва импульсли токларда магнитланадилар. Бу услублардан ҳар бирини қўлланиши ўз ижобий жиҳатларига эга. Доимий токнинг қўлланиши магнит оқимининг детал ва буюмларнинг ички кесими бўйлаб бир хил тақсимланишига қўмаклашади. Ўзгарувчан ток билан магнитланишда магнит оқими магнитланаётган буюм юзаси яқинида тақсимланади. Бунинг пайдо бўлиш сабаби скин-эффект, яъни ўтказгич юзасидаги ток зичлигининг ўзгариши кузатилишида. Буюмларни магнитлашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Улар 2-жадвалда кўрсатилган. Магнитланишлар зарарли (паразит) ва назорат қилиш мақсадидаги бўладилар. Рельс плетларида зарарли (паразит) магнитланишлар тескари тортқи токи; ғилдираклар жуфтликлари айланиши; рельс плетларини ортиш ва туширишда электромагнитлар қўлланиши; рельс плетларининг бир хил эмаслиги; туташмалардаги контактларнинг қисқа туташуви; доимий ва ўзгарувчан ток орасидаги (темир қириндилари) ҳисобига пайдо бўлади.

Ўзгарувчан магнит майдонлари таъсирида асосий эътибор гирдобсимон (уюрсимон) ток ва гистерезис йўқотишларига берилади. Кўриб чиқиладиган ўзгарувчан электромагнит майдонларидаги асосий йўқотиладиган қийматлар пўлатдаги йўқотишлари, йўқотишлар бурчаги ва комплекс магнит ўтказувчанлик ҳисобланади.

Маҳсулотларнинг магнитланиш усуллари

Магнитланиш	Усуллар
	Токнинг бутун маҳсулот юзаси бўйлаб ўтиши
	Токнинг маҳсулотларнинг маълум қисмидан ўтиши
	Токнинг маҳсулот тирқишига жойланган стержен бўйлаб ўтиши
	Маҳсулотга ўралган ғалтак тоқини индуктивлаштириш: тороидал чулғамдан, маҳсулот қисмига
	Маҳсулотдаги токни қўзғатиш
	Доимий магнитни қўллаш
	Электромагнитни қўллаш
	Силжиб юривчи доимий магнитни қўллаш
	Маҳсулотда икки перпендикуляр боғлиқ тоқларни қўллаш
	Маҳсулот тирқишига жойланган ўтказгичдаги индуктивлаштирилган токни қўллаш
Айланма магнит майдонида	Айланма электромагнит майдонли индуктивлик ғалтакларини қўллаш

Бундан ташқари динамик магнитланишларнинг динамик эгри чизиклари ва гистерезиснинг динамик ҳалқасидан фойдаланишга тўғри келади. Ана шу барча катталиклар ўзгарувчан магнит майдонида рўй берадиган барча жараёнларни тўлиқ тавсифламайди, аммо уларга кўра қурилма параметрлари ҳисоблаб топилади. Импульсли магнитланишнинг ижобий хусусияти – у доимий ва ўзгарувчан электромагнит майдони билан магнитлашнинг барча яхши томонларида ўзида жамлаганлигида. Импульсли магнитланишнинг бир неча тури мавжуд. Ушбу ҳолда магнитланган ғалтак ва тўплагичлар ўртасида энергия алмашинуви содир бўлади. Ушбу усул ўнлаб kA қисқа вақтли импульсларни олиш имконини беради. Деталларнинг магнитланиши стационар ёки секин алмашинувчи электромагнит майдонларида содир бўлади. Импульсли магнитланиш энергия ва ресурс тежамкор технология бўлиб ҳисобланади.


Материалларни магнитлаш ва магнитсизлантириш учун узук магнит занжирлари қўлланади. Зазор (бўшлиқ) мавжудлиги магнитлаш эгрилигини, ўтказувчанлик қиймати ва турғунлигини ўзгартиради. Ҳаво бўшлиғи магнитсизлантириш майдоннинг кучланганлиги қарама-қарши томонга йўлланган қутбларининг ҳосил қилиш имконини беради. Бўшлиқдаги энергиянинг кўпайишига қолдиқ индукция B_r ни, H_c коэрцитив кучни ошириш, ҳамда эгри тўғрибурчак шаклли магнитланиш олиш ҳисобига эришилади.

Тадқиқотчи томонидан ҳал қилинадиган асосий масалалар қаторида – рельслар каллаги ва электромагнитлар орасидаги бўшлиқ ўзгарганида темир йўл плетларининг магнитланиш ва магнитсизланиш тавсифларини аниқлаш. Натижада бўшлиқ(зазор)лардаги энг яхши магнитсизланиш самарасига эга бўлинадиган ишчи қийматлар аниқланган ва ҳисобланган.


Диссертациянинг «**Темир йўл транспорти автоматика тизимларида рельс плетларини магнитсизлантириш услуб ва усуллари ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида КЛХҚ қурилмалари ишига таъсир қиладиган импульсларни бартараф этиш усуллари, шунингдек рельс плетларининг доимий, ўзгарувчан, импульсли таъсирлар ёрдамида магнитсизлаш усуллари ишлаб чиқилган. Уларнинг асосий элементлари рельс

занжирларидир. Рельс занжирларининг нормал ишлаши поездлар ҳаракати хавфсизлиги ва КЛХҚ каби СМБ қурилмаларининг узлуксиз ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга. КЛХҚ нинг барқарор ишлашига рельс тармоқларининг магнитланиши натижасида юзага келадиган импульс халақитлари таъсир кўрсатади. КЛХҚ қурилмалари ишига таъсир қилувчи импульсли халақитларни бартараф этиш долзарб вазифаларидан биридир. Электр энергиясини рельс занжиридан локомотив қабул қилиш чўлғамига узатиш шароитларини яхшилаш қуйидаги имкониятларни беради: кичикроқ кучайтириш коэффициентига эга кучайтиргичлардан фойдаланиш, бу эса қабул қилиш чўлғамлари остидаги рельс занжирлардаги токни камайтириш имконини бериб, электр энергияси сарфини қисқартиради. Локомотив узлуксиз сигнализация тизимларида рельс занжиридан локомотивга сигнал узатиш рельслар атрофида улар орқали ўтадиган ток билан ҳосил қилинган магнит майдони ёрдамида амалга оширилади. Қабул қилиш чўлғамлари чиқишидаги уларнинг осилиш баландлигига боғлиқ равишдаги ЭЮК қийматлари 8-расмда келтирилган. Рельс атрофидаги магнит майдони куч чизиқлари 9-расмда келтирилган бўлиб, улар конфигурацияси темир кириндиси ёрдамида олинган.

8-расмдан маълумки, ўзак ва рельс ўртасидаги масофа қисқариши билан ўзак майдони куч чизиқлари сони ошиши ҳисобига локомотив қабул қилиш ғалтагининг ЭЮКи катталашади. 9-расмдан кўришиб турибдики, рельс каллаги орасидаги масофа қисқариши билан ўзакдан ўтадиган электр магнит куч чизиқларининг сони кўпаяди. Частота ўзгартириш билан, у ҳам ночизиқли қонун асосида ортади, чунки ўзак мавжуд. Бу жараён эса 10-расмда тасвирланган.



8-расм. Рельс каллаги устидаги баландлигига боғлиқ равишдаги қабул қилиш чўлғамининг ЭЮК қиймати



9-расм. Қабул қилувчи ғалтак ўзаги мавжудлигида рельс атрофидаги магнит куч чизиқлари

ЭЮКни аниқлаш учун, рельснинг устида жойлашган қабул қилгич ўзагининг марказидаги магнит майдон кучланганлиги тенгламасидан фойдаланамиз:

$$H_m = \frac{0,2I\sqrt{2}}{r}, \quad (4)$$

бу ерда: H_m - магнит майдон кучланганлиги, I – токнинг фаол қиймати, r - ток

ўқидан ўзак марказигача масофа.

КЛХҚ қабул қилиш ғалтакларидаги ЭЮК қийматлари частота ва ишчи токи қийматлари ортиши 10-расмда тасвирланган бўлиб, ЭЮКнинг бир хил частотасида у икки баробардан кўпроқ ортади. Электромагнит марказидаги магнит индукцияси қиймати:


$$B = \mu_1 \cdot H, \quad (5)$$

бу ерда: B - магнит индукция, H - магнит майдони кучланганлиги, μ_1 - бутун жисмнинг магнит ўтказувчанлиги.


μ_1 жисмнинг шакли « m » га ва жисм моддасининг магнит ўтказувчанлигига боғлиқ эканлиги:

$$\mu_1 = \frac{m\mu}{m+\mu-1}. \quad (6)$$

Ҳисоб-китоб натижалари кўрсатишича, локомотивнинг қабул қилувчи ғалтакларида ЭЮКни ошириш учун ўзак кесимини ёки шу ўзак энини катталаштириш ва унинг баландлигини камайтириш керак. Рельслардаги ток қийматлари камида 1,5А бўлиши шарт. Кичикроқ ток қиймати рельс занжирининг майдони ер магнитланишидан анча кичиклиги сабабли сезиларли халақитлар келтириб чиқаради.



10-расм. ЭЮК нинг рельс занжири токнинг частотасига боғлиқлиги



11-расм. Локомотивларда ғалтаклар силкиниши мавжуд бўлганида рельслардаги ток осциллограммалари

Шу сабабли, қабул қилувчи ўзакнинг озгина тебраниши ҳам катта халақитларга олиб келиб, буни 11-расмда тасвирланган осциллограммадан ҳам кўриш мумкин.

Ғилдирак жуфтликларининг айланиши, шунингдек, тортув тармоғи тескари токи ҳисобига рельс занжирларининг магнитланиши КЛХҚ ишига салбий таъсир кўрсатади. КЛХҚлар нормал ишлаши учун магнит индукциясининг рухсат этилган қийматлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда рельс занжирлари ва изоляцияланган туташмалар учун, шунингдек йўлнинг

стрелка ўтказгичларининг элементлари колея ичидаги рельслар билан чегаралари кўрсатилган. Рельс занжири одатда нормал ишлайдиган рухсат этилган максимал индукция қийматлари $B = 700 \text{ мкТл}$, стрелка ўтказгичлари учун 4900 мкТл , изоляциялаш туташмалари учун 700 мкТл ни ташкил этади.

Рельс плетлари пайвандланишига қадар уларни стационар магнитсизлантириш ва худди шундай мобил, ҳаракатчан магнитсизлантириш қурилмалари ишлаб чиқилган: бунда ҳаракатланувчи аравачада соатига 5 км тезликда ва ҳаракатланувчи платформага соатига 80 км тезликда. Магнитсизлантириш қурилмалари 12-расмда тақдим этилган.




а) мобил аравача

б) стационар қурилма

в) вагон-платформа

12-расм. Ишлаб чиқилган магнитсизлантириш қурилмалари

13-расмда магнитсизлантириш қурилмаларининг такомиллаштирилган усули берилган. Рельс плетларини магнитсизлантириш учун импульсли электромагнит майдонининг такомиллашган усули таклиф қилинган.



13-расм. Магнитсизлантириш қурилмаларининг усулларга кўра таснифланиши

Қолдиқ магнитланишни камайтириш усули ишлаб чиқилиб, бунда ҳаракатланувчи таркиб учун чегаравий даража $H=500 \text{ А/м}$ дан ва индукция эса $B=0,06 \text{ Тл}$ дан ортмайди. Импульсли электромагнит майдонида 5 Гц дан 10 Гц гача бўлган частоталарда магнитсизлантиришда электромагнит тўлқинларининг рельс остига етиб бориш чуқурлиги 7 мм ни ташкил қилади. Магнитсизлантирувчи қурилманинг асосий қисми ферромагнит ўзак - электромагнитга ўралган чулғамдир.


Ишчи параметрларини аниқлаш мақсадида доимий, ўзгарувчан ва импульсли таъсирларда ўткинчи жараёнларни ҳисоблаш тенгламалари ишлаб чиқилган. Ўзакли индуктивлик ғалтаги учун тенглама қуйидагича кўринишда ифодаланади:

$$\frac{d\psi}{dt} + R_c \cdot i = U. \quad (7)$$


Ўзгармас тоқларда, ток ва оқимга илашиш учун қуйидаги тенглама ечими келтирилган:

$$t = \frac{1}{2I_y^{\frac{3}{4}} R_c k^{\frac{1}{4}}} \left(0.5 \ln \frac{1 + \sqrt[4]{\frac{i}{I_y}}}{1 - \sqrt[4]{\frac{i}{I_y}}} + \operatorname{arctg} \sqrt[4]{\frac{i}{I_y}} \right). \quad (8)$$

Ҳисоб-китоб натижалари 14 ва 15-расмларда тасвирланган. Ўтиш жараёни графикларидан кўриниб турибдики, $\psi = f(t)$ ва $i = f(t)$ оқим илашиши вақт ўтиши билан ортади, аммо магнитсизланиш учун амплитуда қиймати пасайиш учун ўзгарувчан майдон керак. Бунинг учун майдонни ўзгартириш, рельс плетлари устидаги соленоидни кўтариш ёки қўшимча қурилмани қўшиш керак.



14-расм. Ўтиш жараёнида оқимнинг вақтга боғлиқлиги



15-расм. Ўтиш жараёнида токнинг вақтга боғлиқлиги


Ўзгарувчан токда магнитсизланиш қурилмасининг ўтиш жараёни ҳисобланган. Шу билан бирликда ўзгарувчан кучланиш қуйидаги қонуният бўйича ўзгаради:

$$u = U_m \sin(\omega t + \psi). \quad (9)$$


Ушбу схема учун дифференциал тенглама қуйидаги кўринишда бўлади:

$$ri + \frac{d\Psi}{dt} = U_m \sin(\omega t + \psi). \quad (10)$$

Ушбу дифференциал тенгламани ечиш учун кетма-кет яқинлашиш усули қўлланилган. Ток илашиши ва ток учун (10) тенгламанинг ечими 16 ва 17-расмларда тасвирланган.




16-расм. Соленоиднинг Вебер-ампер таснифи




17-расм. $\Psi(t)$ ни соленоидга боғлиқлиги

Рельс плетларини магнитсизлантириш таъсирида ўтиш режимларида тебранишлар сўниши 17-расмга мувофиқ содир бўлади. Шундай қилиб, ўзгарувчан токда рельс плетларини магнитсизлантириш учун қўшимча қурилмалар талаб қилинмайди.

Тўғри тўртбурчакли импульс таъсирида дифференциал тенгламанинг ечими электромагнит оқим илашиши ва токнинг вақтга боғлиқлиги 18 ва 19-расмларда тасвирланган.



